



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ташходжаев Мухторхон Махсудович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси,
и.ф.н., доцент. Тошкент, Ўзбекистон.*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i19

Аннотация

Мақолада олий таълим тизимида молиявий бошқарувнинг замонавий назариялари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган. Олий таълим тизимини молиявий бошқарувни амалша оширишда давлатнинг ва давлат бюджетининг маблағларининг роли тўғрисидаги илмий хулосалар шакллантирилган. Хорижий тажрибалар тадқиқ этилган. Тадқиқотлар асосида олий таълим тизимини молиявий бошқаришда давлатнинг ролини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: олий таълим муассасаси, молиявий бошқарув, молиялаштириш, молиявий мустақиллик, таълим тўлови, олий таълим бозори

Кириш

Олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини таъминлаш биринчи навбатда миллий таълим стратегиясидан келиб чиққан ҳолда таъминланиши лозим бўлади. Кўплаб давлатлар ривожланиш йўлининг фундаментал асослари таълим, хусусан олий таълим тизимининг ривожлантирилиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Бизнинг асримиз ахборот технологиялари билан уйғун ҳолда бошланганлиги жаҳон меҳнат бозорида туб ўзгаришларни ясашига сабаб бўлди. Бунинг мисоли сифатида сунъий интеллект ёки катта маълумотлар (Big Data) билан ишлаш имкониятларининг вужудга келишини қайд этиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, айрим касб ва малакатларга бўлган талабнинг ўзигариши ёки уларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Бошқача айтганда, юқори малака талаб этмайдиган касблар юқори технологияларга ўрин бериши бошланди. Ёхуд юқори малака талаб этувчи касбларнинг салмоғи ошиб борди ва уларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши янги касб малакаларини шакллантиришга заруратни вужудга келтирди.

Жаҳоннинг кўплаб таҳлилчилари томонидан ахборот ва юқори технологиялар бир қатор касб эгаларини ишсиз қолдиради деган гипотезани илгари сурсада, ушбу тахминга қўшиладиганлар сони сезиларли юқори эмас. АҚШлик тадбиркор Элон Маск фикрича[1]. сунъий интеллект меҳнат бозорида кўплаб касбларга таҳдид яратса-да, инсоният “биологик ва технологик интеллектни” биргаликда ривожлантириш орқали ушбу таҳдиддан ҳимояланиши мумкинлигини қайд этиб ўтади.

Хитойлик тадбиркор Жек Ма эса, сунъий интеллект инсониятга кўпроқ ёрдам бериши ва келажакда касбларга нисбатан таҳдидлар кам бўлишини таъкидлайди. Жумладан, унинг фикрича “сунъий интеллект инсониятга ҳафтасига 3 кун 4 соатдан

ишлаш ва 120 йил умр кўришга имконият яратиши мумкин[2]”. деган ғояни илгари суради.

Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum) 2025 йилга бориб 26 мамлакатда жорий 85 млн. юқори малака талаб этмайдгана иш ўринлари йўқолиб, 97 млн. янги юқори малака талаб этадиган иш ўринлари яратилишини қайд этиб ўтади. Бу эса, 12 млн. қўшимча иш ўринларининг вужудга келишини кўрсатиб турибди. Шунингдек, сунъий интеллектнинг ҳаётимизга кириб келиши натижасида жаҳон ЯИМнинг ҳам сезиларли ўсишига шарт-шароит яратилиши таъкидланади. Жумладан, 2030 йилга бориб глобал ЯИМ 26 фоизга ўсиб, 15,7 трлн. АҚШ доллари миқдориди ошишига олиб келади[3].

ИХРТ (OECD) тадқиқотларида ушбу тенденцияларга нисбатан таҳлиларни кўриб ўтилганлигини қайд этиш лозим. Саноат инқилоби вужудга келган вақтдан буён инсоният юқори технологик ўзгаришлардан қўрқиб келганлиги маълум. 1930 йилда Ж.Кейнс томонидан илгари сурилган гипотеза – “янги касаллик ... технологик ишсизлик” ҳам ўзининг исботини топа олмаганлиги, аксинча янги иш ўринлари сони ортганлиги қайд этилади[4].

Фикримизча, замонавий юқори технологияларнинг ҳаётимизга кириб келиши янги малака стандартларини ишлаб чиқишга бўлган талабни вужудга келтирар экан. Янги технологиялар ақрим касбларга бўлган эҳтиёжни йўққа чиқарсада, бошқасига бўлган талабни вужудга келтирар экан. Шу нуқтаи назардан, меҳнат бозори истиқболли талаблари асосида олий таълимда янги таълим йўналишларини жорий этиш ва уларга бўлган заруратни тушунтира олиш долзарблик касб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, олий таълим муассасаларида молиявий ва академик бошқарувнинг замонавий талабларга мослаштиришни талаб этиб боради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мавжуд тенденциялар жаҳон олий таълим бозорида ҳам туб ўзгаришларни талаб этмоқдаки, глобал рақобатбардошлик олий таълим муассасаларининг асосий мезонига айланмоқда. Таъкидлаб ўтганимиздек, молиявий бошқарув тамойилларининг ҳам ўзгариб бориши глобал олий таълим бозори талабларига мослашиши зарур ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида молиявий бошқарув тенденцияларининг ўзгаришларига қуйидагиларни киритиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

- давлат бюджетидан молиялаштириш методологиясининг ўзгариши;
- олий таълим хизматлари давлат мажбурияти эмас, балки таълим хизматлари бозорининг асосий элементи сифатида трансформацияга учраши. бунда талабаларга стипендиялар тўлаш механизмларини босқичма-босқич бекор қилиш;
- олий таълим муассасасида меҳнатга ҳақ тўлаш механизмини либераллаштириш ва индивидуал хусусиятни уйғунлаштириб бориш;
- фискал сиёсатда ҳам олий таълим фаолиятига нисбатан молиявий мезонларни киритиш орқали тижорий ва ижтимоий хусусиятларни мувозанатга келтириш;
- олий таълим муассасаси томонидан турли лойиҳаларни эълон қилиш орқали илмий ва ўқув жараёнларини жозибадорлигини оширишга эришиш.

Олий таълим муассасаларини молиявий бошқарув трендларига эътибор қаратсак давлат бюджети маблағларининг роли доимий муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Ҳозирги замонавий трендлар эса ушбу маблағлардан фойдаланиш

методларини ўзгартириш ва унга бўлган ёндашувни рационаллаштиришга олиб келмоқда.

Ушбу ривожланиш тенденциялари олий таълим хизматлари иқтисодиётдаги хизматлар бозорининг ажралмас йирик бўлаги сифатида акс этишига олиб келмоқда. Жумладан, Жаҳон банкининг таҳлилларига кўра, Ўзбекистонда 2030 йилга қадар яратиладиган янги иш ўринларининг 4/5 улуши хизматлар бозоридаги иш ўринларига тўғри келиши қайд этиб ўтилади[5].

Проф. Қ.Рузиевнинг тадқиқотларида олий таълим тизимини молиялаштиришга нисбатан эволюцион тенденциялар таҳлил этиб ўтилади. Мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг 43 та олий таълим муассасалари мавжуд бўлгани, бироқ кейинчалик уларнинг сони янги тузилган соҳалар ва ҳокимият тузилмалари учун кадрлар тайёрлаш учун янги тузилган олий таълим муассасалари ҳисобига ортганини қайд этиб ўтади. Ушбу йилларда олий таълим стандартларини “ўзгача” бўлишини олдини олиш мақсадида ҳукумат қатъий равишда хусусий олий таълим муассасаларининг жорий этилишига рухсат бермади. 1994 йилга келиб эса, талабаларни қабул қилишда давлат гранти ва тўлов шартнома тизими жорий этилиши, лекин уларга тўланадиган стипендия тўлови сақлаб қолинганлигини қайд этади. Кейинчалик эса, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганлиги, ундан кўзланган мақсад эса, бозор тамойилларига асосланган олий таълим хизматларини жорий этиш бўлганлиги таъкидлаб ўтилади. Бироқ, қайд этиш лозимки, ушбу ҳужжат олий таълим муассасаларига академик ва молиявий бошқарув соҳасида ҳеч қандай мустақиллик бермаганлиги кўрсатилади[6].


Зотан, проф. Д.Рахмонов “Ўзбекистонда ҳам ҳар бир йўналиш ва унинг қайси олий таълим муассасасида тайёрланишидан келиб чиқиб, таълим тўловларини шакллантирилишига имкон берилиши маълум даражада молиявий мустақилликни оширади. Ўз ўрнида, бюджет маблағларига бўлган талабнинг камайишига ҳамда қамраб олиш даражасининг ошишига имконият беради. Зотан, мамлакатда бюджет маблағларига эҳтиёж юқори ва қамраб олиш даражаси кичиклигича қолмоқда. Натижада, таълим тўловлари ҳажмини белгилашда олий таълим муассасалари рейтингларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш ва молиявий мустақилликни таъминлаш орқали бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини оширишга шароит яратилади. Шу билан бирга, профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда табақалашган тизимни ишлаб чиқишга шароит яратилади[7]”. деган фикрни илгари суради.

Шу боисдан, 2007-2012 йилларда олий таълим йўналишларининг мутахасисликлари эркин бозор талаблари асосида эмас, балки ҳукуматнинг сиёсат устуворликларини акс эттирган ҳолда шакллантирилганлигини кўриш мумкин[5].

Фикримизча, олий таълим муассасаларининг давлат бюджетидан молиялаштиришда олий таълим хизматлари давлат мажбуриятлари сифатидаги ғоя тарзида амалга ошар экан. Аксинча, олий таълим муассасаларига эркинликнинг тақдим этилиши олий таълим хизматлари бозорида рақобатга киришни талаб этиши шаклланар экан. Бу эса, олий таълимда академик ва молиявий қарорларни қабул қилишда тижорий хусусиятларни шаклланишига олиб келади. Ушбу тенденция бозор тамойилларига хос бўлиб, ундаги ижтимоий хусусиятни давлат томонидан тартибга солиб турилиши ҳаётий зарурат эканлиги кўплаб жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълум бўлмоқда.

Таҳлил: хорижий тажрибалар

Шу ўринда, олий таълим бозорида жаҳон мамлакатларининг айрим тажрибалари кўриб ўтсакда, сўнгра Ўзбекистонда олий таълим тизимининг мустақиллик йилларидан бошланган молиявий бошқарув тенденцияларига тўхталиб ўтсак.



1-расм. Жанубий Корея таълим босқичларида қамров даражасининг ўзгариши[8]

Б. Жонгблуд олий таълим тизимидаги туб ислоҳотларни амлага оширишда хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчи ўртасидаги тўртта омил мустақиллигини кўрсатиб ўтади. Олий таълим муассасалари учун – кириш имтиҳонлари, таълим йўналишларини жорий этиш, маблағларни бошқариш ва таълим нархларини белгилашдаги мустақилликни қайд этади. Абитуриентлар учун эса, муассасани танлаш, мутахассисликни танлаш, сифат ва нарх тўғрисида маълумотни олиш ва харажатларни қоплаш тўлови очиқлиги кабиларнинг эркинлигини таъминлашнинг муҳим эканлигини таъкидлаб ўтади[9].

Жанубий Кореяда таълим билан қамраб олиш даражаси ўтган асрнинг иккинчи ярмида сезиларли даражада ўсди. Кўплаб университетлар ташкил этилди, мавжудлари қайта тузилди. Ҳукумат тўлов-шартномасиз олий таълимни шакллантиришга урғу берди. 1970 йилларда 7 фоиз атрофида ёшлар олий таълим билан қамраб олинган бўлса, 2002 йилларда ушбу рақам 95 фоизни ташкил этди (1-расмга қаранг).

С.Ким ва Жу-Хо Ли томонидан олиб борилган тадқиқотларда Жанубий Кореянинг олий таълим тизими эволюцион ривожланиши таҳлил этилган. 1995 йилга келиб Президент комиссияси томонидан олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари бошланди. Нафақат давлат, балки хусусий олий таълим муассасаларига ҳам кенг эркинлик бериш ишлари бошлаб юборилди. Талабалар қабул квоталарининг бекор қилиниши билан университетларнинг молиявий манфаатдорлиги ошди ва уларнинг филиаллари сони ҳам ортди. Эътиборли жиҳати, ўтган асрнинг сўнгида олий

таълим тизимини молиялаштириш борасида ИХРТ (OECD) мамлакатлари ичида энг юқори кўрсаткич ЯИМнинг 2,51 фоизини, шунингдек умумий харажатларнинг 83 фоизи хусусий манбалар ҳисобидан қопланганлиги алоҳида аҳамият касб этади[10].

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари олий таълимни молиялаштиришда давлат бюджети маблағларининг ролини сақлаб қолаётган бўлсада, хусусий маблағларнинг ҳам ролини муҳим эканлигини кўриш мумкин. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида олий таълимни молиялаштиришда таълим кредити механизмларидан кенг фойдаланишни бошлаган. Таълим кредити давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилиши кредитнинг ижтимоий хусусиятини сақлаб қолишида муҳим рол ўйнайди. Унинг тақдим этилиши олий таълимга қабул қилинганлик ва қайтарилиши эса (кўплаб ғарб мамлакатларида) битирувчининг даромадларига боғлиқ равишда белгиланган. Агар битирувчи белгиланган муддатда кредитни қайтара олмаса, ундан ушбу маблағларни мажбурий тартибда қайтариб олиш кўзда тутилмаган ҳолларни ҳам кўриш мумкин.

Ушбу ҳолатда давлат бюджетининг маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш мавжуд деган мунозарали савол келиб чиқиши табиий. Бошқа тарафдан олиб қараганда, солиқлар ҳисобидан олий таълим муассасаларини тўғридан-тўғри молиялаштириш ҳам маблағларни қайтариш шартсиз беришни ўзида акс эттиради. Таълим кредити орқали олий таълим тизимини молиялаштириш маълум миқдордаги бюджет маблағларини келажакда қайтариб олиш имконини беради, деб ўйлаймиз.

Н.Бар ўзининг тадқиқотида Буюк Британияда 1998 ва 2006 йилда амалга оширилган олий таълим ислохотлари тўғрисида таҳлилларни амалга оширади[11]. 1998 йилда жорий этилган таълим кредити янги тенденцияларни акс эттирган бўлсада, тўлов-шартнома қиймати, олий таълимга қабул квоталари ва бошқаларни марказлашган ҳолда белгилаш амалиёти сақланиб қолинганлиги билан тўб ўзгаришларга сабаб бўлмаганлиги қайд этилади.

2006 йилдаги ислохотларда эса таълим тўлови қийматининг максимал қиймати ҳукумат томонидан белгиланса, таълим кредитининг учта элементи 1) университетларни рақобатли молиялаштириш, 2) талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва 3) солиқлар ҳисобидан камбағал оила фарзандларини манзилли қўллаб-қувватлаш каби жиҳатлар билан замонавий шаклга олиб келинди.

Таҳлил: маҳаллий тажриба

Мамлакатимизда олий таълим тизимини молиялаштириш ва уни ривожланиш босқичининг назарий масалалари ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг такомиллашиб бориш тенденциялари билан боғлиқ ҳисобланади.

Биринчи босқич сифатида 1992 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. 1997 йилнинг 30 сентябрида мазкур қонун бекор қилинди. Унга қадар олий таълим тизимини молиялаштиришнинг айрим назарий жиҳатлари ушбу қонун билан тартибга солинди. Мазкур қонуннинг 1997 йил октябр ойига қадар амалда бўлиши олий таълим тизимидаги молиявий сиёсатнинг биринчи даврини ўзида акс эттириб берди.

Мазкур қонуннинг 28-моддасида таълим олувчиларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш назарда тутилган эди. Унга кўра талабалар стипендиялар ва нафақалар билан таъминланиши белгиланган эди. Ушбу қонуннинг белгиланганлиги олий таълим тизимини молиялаштириш марказлашган тарзда амалга оширилишини ўзида акс эттирган. Халқаро тажрибадан маълумки, талабаларга марказлашган ҳолда стипендияларни тақдим этилиши олий таълим муассасаларининг молиявий

фаолиятини либераллашувига имкон бермайди. Аксинча, талабалар билимини юқори балли натижалар билан яқунланишига хайрихоҳлиги камайиши мумкин.

Фикримизча, давлат бюджетидан стипендияларни қоплаш учун тақдим этилган маблағлар талабаларнинг академик натижаларига боғланганлиги олий таълим муассасаси молиявий манфаати билан тескари пропорционал шаклда боғланган бўлади. Бошқача айтганда, талабаларга стипендия бериш олий таълим олиш эмас, балки уларнинг кунлик харажатларини қоплаш ёки олий таълим муассасаларига тўлаган шартнома тўловларининг сезиларли қисмини қайтариб олишига замин ҳозирлаган.

Мазкур қонуннинг 42-моддасида (олий) таълим муассасаларининг фаолиятини молиялаштириш айрим жиҳатлари ёритиб берилган. Унда асосий манба сифатида давлат бюджети маблағлари кўрсатилган. Эътиборли жиҳати, олий таълим муассасаларининг пуллик таълим хизматлари кўрсатишларига доир аниқ мезонлар киритилмаган ва уларнинг таълим тўловларини ўрнатиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган.

Шунингдек, ушбу 42-моддада қуйидагича жумлалар келтирилган “Давлат таълимга унинг устуворлигини таъминлайдиган миқдорда ҳар йили маблағлар ажратишни, шунингдек ҳар бир тарбияланувчи ёки таълим олувчига харажат меъёрларини мунтазам равишда ошира бориб, жаҳон стандартлари даражасига етказишга кафолатлайди”. Мазкур қоидадан кўринадики, давлат олий таълим муассасаларининг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган мақсадни кўзлаган бўлсада, унинг тўб элементларини белгилашни эътибордан четда қолдирган.

Олий таълим тизимини марказлашган тарзда молиялаштириш тизимининг сақланиб қолиши нафақат халқаро балки, маҳаллий даражада ҳам рақобатбардошликни ярата олиши мураккаблигича қолади. Ушбу тажрибанинг мавжудлиги хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан ҳам кўриш мумкин. Ёхуд, охириги йилларга қадар мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларда қайд этилмаганлиги ҳам ушбу молиялаштириш методларини такомиллаштириш заруратини кўрсатиб берди.

Таъкидлаш лозим, доцент Р.Сиддиқов томонидан олиб борилган тадқиқотларда 1991-1996 йилларда олий таълим тизимидаги айрим қисқаришлар бўлганлиги қйд этилади[12]. Жумладан, кечки ва сиртқи таълим шаклларида талабалар сони камайиш тенденцияси билан ривожланди. Масалан, 1991-1992 йилда 52 олий таълим муассасасида 151900 талаба ўқиган бўлса, 1994-1995 йилларда 98500тани ташкил этган. Ушбу камайиш тенденцияси қамраб олиш кўрсаткичининг ҳам пасайишига олиб келган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест маркази ташкил этиш тўғрисида”ги 258-сон қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши марказлашган тарзда қабул квоталарини марказлашган ҳолда имтиҳон ўтказиш билан янада мустаҳкамланишига эришилди. Ушбу марказлашган синов тизимининг жорий этилиши олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини пасайишига ва молиявий қарорлар қабул қилишнинг имкониятини йўққа чиқариш билан алоҳида аҳамият касб этди.

Бизнингча, 1997 йилга қадар давом этган молиялаштиришнинг биринчи босқич тенденцияларида қуйидаги элементлар хусусиятли бўлиб хизмат қилди, деб ўйлаймиз:

– талабларга стипендия тўлаш механизмнинг ривожланиши, ундан эса олий таълим муассасаларининг молиявий манфаатларига тескари пропорционаллик билан шаклланишига шарт-шароит вужудга келди;

– олий таълим муассасаларида пуллик хизматларни ривожлантиришга бўлган мотивациянинг ҳуқуқий меъёрлари аниқ эмаслиги шаклланди;

– олий таълим тизимини бюджетдан молиялаштиришнинг устуворлиги сақланиб қолиши, олий таълим қамров даражасининг камайишига ва паст улушларда бўлишига олиб келди;

– олий таълим муассасаларига ўқишга қабул кўрсаткичлари (квота)нинг марказлашган ҳолда қатъий тарзда белгилаш амалиётининг вужудга келиши.

1997-2005 йилларда Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг иккинчи босқичининг бошланиши сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги 463-І-сонли қонунининг қабул қилиниши, десак хато бўлмайди.

Мазкур қонуннинг 1.2-бўлимида олий таълим муассасалари “Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқув юртлари етарлича мустақилликка эга эмас, улар касбий меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига яхши мослашиб бормаяпти” деган жумла келтирилган. Албатта ушбу қайд этилган жумла тўғри танқидий хлосани ўзида акс эттирган бўлса-да, ислоҳотларни ушбу камчиликни тўғрилаш нуқтаи назаридан жорий этилмаганлигини кўриш мумкин.

Бизнингча, академик фаолиятни ташкил этишда олий таълим муассасаларининг мустақилликка эга бўлмаган ҳолда меҳнат бозорига мослаша олмаслиги табиий ҳол, албатта. Меҳнат бозорининг ўзгариш тенденцияларига мослашиш авваламбор, олий таълим муассасалари томонидан мустақил равишда янги таълим йўналишларини жорий эта олиш ваколатининг мавжудлиги билан баҳоланади. Ушбу қонуннинг тўлиқ жорий этиш ғоясининг мавжуд бўлмаганлиги, олий таълим муассасаларида рақобатбардошликни яратиш имкони бўлмаган.

Олий таълим тизимида қамраб олиш ва муассасаларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш замон ва макон нуқтаи назаридан доимий долзарб масала бўлиб шаклланган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан ҳам кўзланган асосий мақсад ушбу масалани акс эттирган бўлсада, ривожланиш тендецияларида ушбу ҳолатни кузатиш мураккаблигича қолди.

Масалан, М.Ахмедованинг илмий хулосаларида кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши билан боғлиқ тенденциялар таҳлил этилади. Унинг фикрича, “бюджет маблағлари чекланган ва таълимга талаб ортиб бораётган ҳозирги шароитда давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим секторининг ҳам иш олиб бориши рақобатнинг ривожланишига кўмаклашади. Рақобатни ривожлантириш мақсадида барча таълим тизимида давлат ва нодавлат муассасаларини яратиш мақсадга мувофиқдир[13]” деган хулоса акс этади. Албатта, хусусий олий таълим муассасаларини шакллантириш олий таълим бозорини ривожланишининг асосий элементи бўлиб қолади. Ёхуд, бюджет маблағларидан самарали фойдаанишнинг замонавий хусусиятларини жори этиш долзарблик касб этади.

Олий таълим таълим муассасаларининг мустақиллигини таъминлаш назарда тутилган бўлса-да, амалда кўплаб молиявий бошқарув элементлари марказлашган ҳолда амалга оширилиши сақлаб қолинди. Ислохотларнинг эътиборли жиҳатларидан бири “таълим кредити”нинг жорий этилиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Умуман олганда, ушбу дастурни амалга ошириш учта 1997-2001, 2001-2005 ва 2005 йиллардан кейинги даврларни қамраб олган бўлиб, олий таълим тизимида баклавриат ва магистратура таълим босқичларининг жорий этилиши билан алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Шунингдек, олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шаклидаги қабул квоталарининг жорий этилиши ривожланиш босқичлари ҳам айнан ушбу дастур тенденциялари ҳисобланади.

Мазкур дастур доирасида кўзда тутилган таълим кредитининг жорий этилиши олий таълим олишни молиялаштиришнинг янги турини вужудга келишини таъминлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги 318-сон қарори қабул қилиниши таълим кредитини расман татбиқ этилишини белгилаб берди.

Проф. Д.Рахмонов, А.Пўлатов ва Е.Виетсма томонидан олиб борилган тадқиқотларда 2001 йилда жорий этилган мазкур таълим кредитининг хусусиятлари тўғрисида илмий хулосалар шакллантириб берилади. Уларга кўра, тижорат банклари томонидан берилган таълим кредити олий таълим қийматини ошишига таъсир кўрсатиши, кредит олган талаба-битирувчи ушбу қарзни 3 ойдан қайтаришни бошлаши лозимлиги қайд этилади. Қатарини муддатини бошлашнинг жуда қисқалиги ва фоизи юқорилиги, ни қайтадан кўриб чиқиш лозимлигини тавсия этишади[14].

Фикримизча, олий таълим тизимидаги ислохотларнинг навбатдаги босқичида таълим кредити жорий этилсада, унинг ижтимоий хусусияти сақлаб қолинмаганлигини кузатиш мумкин. Унинг сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– таълим кредитини тақдим этишнинг манбалари тижорат банклари маблағлари бўлганлиги;

– таълим кредитини тақдим этиш фоизи миқдорининг юқорилиги ва уни қайтаришни бошлаш муддатининг қисқалиги;

– таълим кредитини қайтариш битирувчининг келажакдаги даромади ёки бошқа узоқроқ муддатга боғланмаганлиги;

– таълим кредитини олишда кафолатга нисбатан тижорий талабларнинг мавжудлиги ва қатъийлиги;

– аҳолининг тор доирадаги қатлами учун ижтимоий имтиёزلарнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

– 2008 йилга келиб олий таълим тизимида профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақларини тўлаш базавий лавозим маошлари механизмнинг жорий этилиши билан ривожлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-926-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг разрядлари асосида эмас, балки белгиланган ҳажмда базавий лавозим маошлари шаклида бўлиши белгилаб берилди. Ушбу қарор билан, олий таълим тизимида иш ҳақи тўлаш хусусияти индивидуал векторга эга бўлди. Бироқ, мазкур иш ҳақи тизимининг барча олий таълим

муассасаларида бир хил ҳажмда ва бюджетдан молиялаштирилиши муассасалар ўртасида малакали профессор учун курашни юзага келтирмади.

Олий таълим тизимида ислохотларнинг янги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Харажатлар стратегиясини қабул қилиниши билан изоҳлаш мумкин. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши олий таълимда ўзгаришлар юз беришини белгилаб берди.

Проф. Р.Нуримбетов ва Г.Абдурахмоноваларнинг тадқиқотларида қуйидаги фикрларни ўқиш мумкин: “олий таълим муассасаларида ҳали ҳам илмий-педагогик салоҳиятнинг пастлиги, таълим жараёнларини ахборот-ўслубий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг моддий-техника базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди[15]”.

Йиллар давомида тўпланиб қолган мураккабликлар соҳада туб ислохотларни амалга оширишни тақозо этди. Олий таълим тизими иқтисодий риводланишнинг фундаментал асослари бўлибгина қолмай, инсонларнинг баркамол шахс сифатида шаклланишига хизмат қилувчи омил эканлиги жаҳон тажрибасидан маълумдир.

Бу борада, Жанубий Кореянинг тажрибасини келтириш мумкин. “Жанубий Кореяда одамлар таълимга келажақда жамиятда ўз мавқеини эгаллаш воситаси сифатида қарашади[16]”.

Ислохотларнинг мазкур босқичида олий таълим тизимини ривожлантиришга нисбатан тизимли ёндашувлар асосида амалга оширилиши бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда олий таълим тизимини ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилди. Унга кўра, йиллар давомида ҳал этилмаган масалалар кўрсатилди ва уларни бартараф этишга доир кўрсатмалар белгиланди.

Ислохотларнинг тадрижийлигини таъминлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг эътиборли жиҳати олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда академик мустақиллик бериш тамойилининг белгиланди. Шунингдек, республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш шулар жумласига киради, десак муболаға бўлмайди.

Ушбу ислохотлар даврида қуйидаги масалаларнинг ижобий ҳал этилганлигини кўриш мумкин:

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари маошларининг сезиларли оширилганлиги ва уларнинг иш ҳақларига қўшимча устамалар белгилаш механизмнинг жорий этилишидир (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сон ва 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сон қарорилар).

Талабаларнинг тўлов контракт қийматини тижорат хусусиятидан ижтимоий хусусият билан шакллантирилишига эришилди. Бунда талабаларга таълим кредитининг берилиши давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амага оширилиши белгилаб берилди (Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августдаги 527-сон қарори).

Олий таълим муассасаларининг рейтингини белгилашга қаратилган чоратадбирларнинг амалга ошириш бошланиши. Бунда олий таълим муассасаларининг халқаро ва маҳаллий рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилишига эришиш ҳисобланади (Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 467-сон қарори).

2016 йилда бошланган ислохотларнинг янги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 декабрдаги ПҚ-60 ва ПҚ-61-сон қарорлари бўлди, десак хато бўлмайди. Мазкур қарорларнинг қабул қилиниши олий таълим муассасаларида академик ва молиявий мустақилликнинг тўлиқ жорий этилиши ва улар ўртасида рақобатни шакллантиришнинг ҳозирги босқичини белгилаб берди.

Хулоса

Бизнингча, 2016 йилга қадар бўлган даврларда олий таълим тизимини молиялаштиришда давлат бюджетининг роли ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлиб қолди. Ушбу даврда қуйидаги элементларнинг мавжудлиги олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг долзарблигини акс эттирди:

Марказлашган тарзда олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг белгиланиши;

Олий таълим бошқаруви билан боғлиқ ваколатли органнинг барча олий таълим муассасаларига тенг таъсир ўтказа олиш имкониятининг мавжуд эмаслиги ва ўқув-услубий жараёнларнинг ягона стандартга келтиришнинг мураккаб бўлганлиги;

Олий таълим тизимида фаолиятни баҳолашнинг ягона стандартлари мавжуд бўлмаганлиги рақобатбардошликни яратишга бўлган заруратни келтириб чиқарганлиги;

Таянч олий таълим муассасаси категориясининг сақлаб қолинганлиги олий таълим муассасалари ўртаисда академик рақобатни вужудга келтирмади;

Тўлов-шартнома қийматининг марказлашган тарзда белгиланиши талабалар учун рақобатли шароитлар яратишни тақозо қилмади.

Айрим хорижий мамлакатларнинг тажрибалари ҳам кўрсатиб турибдики, олий таълим тизимини молиялаштириш босқичларида турли ислохотлар юз берган. Уларга биз қуйидаги жараёнларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин:

давлат олий таълим муассасаларининг қайта трансформацияси, уларни бюджетдан молиялаштириш;

хусусий олий таълим муассасаларини ташкил этишга урғу берилиши;

олий таълим муассасаларида қабул квоталарини марказлашган ҳолда белгилашдан ихтисослашган ҳолда белгилашга ўтилиши;

солиқлар ҳисобидан олий таълим тизимини манзилли молиялаштириш методларини жорий этилиши;

олий таълим тизимида талабаларни молиявий қўллаб-қувватлашда таълим кредити механизмларидан фойдаланиш тенденцияларини татбиқ этилиши.

Фикримизча, олий таълим тизимида молиялаштиришнинг босқичлари бюджет ва хусусий манбаларнинг мувозанатли нуқтасини белгилаш орқали янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Elon Musk says humans must become cyborgs to stay relevant. Is he right?
<https://www.theguardian.com/technology/2017/feb/15/elon-musk-cyborgs-robots-artificial-intelligence-is-he-right>

2. Elon Musk and Jack Ma disagree about AI's threat.
<https://www.bbc.com/news/technology-49508091>
3. Don't fear AI. It will lead to long-term job growth.
<https://www.weforum.org/agenda/2020/10/dont-fear-ai-it-will-lead-to-long-term-job-growth/>
4. The impact of AI on the labor market: is this time different?
<https://oecd.ai/en/wonk/impact-ai-on-the-labour-market-is-this-time-different>
5. World Bank 2014 Uzbekistan: Modernizing Tertiary Education. Report No 88606-UZ. Washington D.C.: World Bank. 2014.
6. Ruziev K. et. al. Higher education in Uzbekistan: reforms and the changing landscape since independence. University of the West of England, Economics Working Paper Series, 1604. DOI: 10.13140/RG.2.1.1212.2487
7. Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферати. – Т., БМА. 2018. – 72 б.
8. Kim, S., & Lee, J. (2006). Changing Facets of Korean Higher Education: Market Competition and the Role of the State. *Higher Education*, 52, 557-587.
9. Jongbloed, B. (2003) Marketisation in higher education, Clark's triangle and the essential ingredients of markets, *Higher Education Quarterly*, 57(2), 110–135.
10. Kim, S., & Lee, J. (2006). Changing Facets of Korean Higher Education: Market Competition and the Role of the State. *Higher Education*, 52, 557-587.
11. Nicholas Barr (2009) Financing Higher Education: Lessons from Economic Theory and Reform in England, *Higher Education in Europe*, 34:2, 201-209, DOI:10.1080/03797720902867419
12. Сиддиқов Р.Б. Глобаллашув даврида Ўзбекистонда олий таълимни ривожланиш тенденциялари ва муаммолари (1991-2016 йиллар)//Ўтмишга назар. – Т. 2020, №8. Б. 78-91. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-8-10>
13. Ахмедова М. А. Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш миллий дастури: эришилган натижалар ва истиқболли йўналишлар//Замонавий таълим/Современное образование. – Т., 2014, №8. – Б.3-8.
14. Рахмонов Д.А., Пулатов А.С. ва Е.Виетсма Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини молиялаштиришни илфोर тажрибалар асосида такомиллаштириш//Молия ва банк иши электрон илмий журнали. – Т., БМА. 2017. - №6. -Б. 52-67.
15. Нуримбетов Р.И., Абдурахмонова Г.Қ. Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда узлуксиз таълим тизимининг ўрни ва аҳамияти// “Иқтисодийот ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/15_Abdurakhmanova.pdf
16. Мустафоев Ғ. С. Юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва бандлиини оширишда таълим тизимининг ўрни// “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2019 yil. <https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/Mustafoyev%20t.pdf>